

Сийрат дарслари (94-дарс). Дод солувчи аёллар



13:30 / 17.07.2020 5333

386. Абу Бурда ибн Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилинади:

«Абу Мусо розияллоҳу анҳу бемор бўлди. Шунда ҳушидан кетди. Унинг боши аҳлидан бир аёлнинг қучоғида эди. Шунда аҳлидан бир аёл дод солди. У аёлни тўхтатишга қодир бўлмади. Ҳушига келганида: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам безор бўлган нарсадан мен ҳам безорман. Албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дод солувчи аёлдан, соч қирдирувчи аёлдан ва ёқа йиртувчи аёлдан безор бўлганлар», деди».

Муслим ривоят қилган.

387. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким юзларга урса, ёқаларни йиртса ва жоҳилият даъвати билан чақирса, биздан эмас»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

388. Умму Атийя розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилдик. У зот бизга «Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик...»ни қироат қилдилар ва ўлганга йиғлашдан қайтардилар. Шунда биздан бир аёл қўлини йиғиштириб олди ва «Фалончи йиғлашда менга ёрдам берган. Мен ҳам унга қайтармоқчиман», деди. У зот ҳеч нарса демадилар. Шунда аёл кетиб, яна қайтиб келди. Умму Сулайм, Умму Ало, Абу Сабранинг қизи Муознинг аёлигина – ёки Абу Сабранинг қизи ва Муознинг аёлигина – (байъатларига) вафо қилишди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан